



КОРХОНАЛАРНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНЛАРИ: ҲИСОБ, ҲИСОБОТ ВА АУДИТ МАСАЛАЛАРИ

Абдурасулов Жамшидбек Ахмад угли

“SATURN METAL QAYTA ISHLASH” МЧЖ бош бухгалтери, тел. +998979273836, e-mail:

jamshidbek.abdurasulov@mail.ru

ORCID: 0000-0003-1630-8694, УДК: 336.74(571.2)

IMPROVING REORGANIZATION PROCESSES: ACCOUNTING, REPORTING AND AUDIT ISSUES

Abdurasulov Jamshidbek Axtmad ug'li

Chief accountant of “SATURN METAL QAYTA ISHLASH” LLC, phone: +998979273836, e-

mail: jamshidbek.abdurasulov@mail.ru

ORCID: 0000-0003-1630-8694, УДК: 336.74(571.2)

JEL Classification: M4, M41, M42

Аннотация. Корхоналар, маълумки, ҳар қандай кишилик жамияти иқтисодиётининг асосий бўғини, мос равишда, бошқарув воситаси бўлган бухгалтерия ҳисобининг муҳим субъектлари бўлиб ҳисобланади. Корхоналар орқали моддий ва номоддий неъматлар яратилади, турли ишлар бажарилади, хизматлар кўрсатилади ҳамда улар истеъмолчиларга етказиб берилади. Корхоналар сонини кўпайтириши, уларни бирлаштириши, йириклаштириши, ҳамкорликдаги фаолият турларини ривожлантириши мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмини ошириши, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириши, одамлар ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу мақолада корхоналарни қайта ташкил этишни амалга ошириши шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботни

шакллантиришнинг асосий қоидалари республикамизда амалда бўлган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, чунончи миллий стандартлар асосида очиб берилган. Республикамиз иқтисодиётининг бош бўғини, мос равишда, бухгалтерия ҳисобининг асосий субъектлари бўлган корхоналарни қайта ташкил қилиш шакллариининг моҳияти очиб берилган. Шунингдек, мақолада корхоналарни қайта ташкил этиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботни шакллантиришига қўйиладиган умумий талаблар кўрсатиб берилган. Ушбу жараёнга қўшилиши бу ҳар бир мамлакат учун дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик қилиши, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатини юритиши имкониятини берганлиги боис, ушбу шароитда Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириши, уларни янги босқичга кўтариши устувор вазифалардан этиб белгиланган. Ушбу

вазифалар ижросини таъминлаш мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириши, корхоналарни халқаро бозорга чиқишини таъминлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириши, халқимизнинг турмуш-тарзини яхшилашга қаратилган бўлиб, бунда халқаро андозаларга мос келадиган миллий моделни яратиши, ҳисоботлар уйғунлигини таъминлашда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига таяниши муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда корхоналарни қайта ташкил қилиши жараёнлари ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига

Abstract. Enterprises, as you know, are the main link in the economy of any individual society and, accordingly, important subjects of accounting, which is a management tool. Through enterprises, tangible and intangible goods are created, various works are performed, services are provided and they are delivered to consumers. The increase in the number of enterprises, their consolidation, expansion, development of cooperative activities is one of the important factors in increasing the size of the country's gross domestic product, providing employment and increasing incomes of the population, improving the standard of living and welfare of the population. The being of people. This article reveals the basic rules for accounting and financial reporting in the context of the reorganization of enterprises on the basis of the regulatory legal acts in force in our republic, as well as national standards. The main link of the economy of our republic is revealed, respectively, the essence of the forms of reorganization of enterprises, which

мувофиқлигини таъминлаш, дунё тан олган баҳолаш мезонлари асосида инвестицион жозибадорликни оширган ҳолда, фойдаланувчилар учун аниқ ахборотни, яъни корхоналарнинг бирлашиши, хариди ёки бўлмасам манфаатлар тўқнашуви каби жараёнларни осон тарзда тушуниб олишни, тақдим этилган ахборот орқали синтез қилиб, корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот олишни таъминлаш барча мамлакатлар МҲҲСни миллий бухгалтерия ҳисоби ва аудитга тадбиқ қилишига ундайди.

are the main subjects of accounting. The article also shows the general requirements for accounting and financial reporting in the context of the reorganization of the enterprise. Joining this process gives each country the opportunity to cooperate with the leading countries of the world, pursue state policy in the socio-economic sphere, and in this context, strengthen consistent efforts to reform and modernize the economy of Uzbekistan, raise them to a new level, is a priority. Ensuring the implementation of these tasks is aimed at increasing the development of our country, ensuring the entry of enterprises into the international market, increasing their export potential, improving the lifestyle of our people. At the same time, it is important to create a national model that meets international standards, and also rely on international financial reporting standards to ensure consistency of reports. Ensuring that the reorganization processes of enterprises in the world are taken into account in accordance with international accounting

standards, increasing investment attractiveness based on internationally recognized evaluation criteria, providing users with understandable information, i.e. processes such as mergers, acquisitions or conflicts of interest of enterprises, by summarizing the information provided and providing information on the financial condition of an enterprise encourages all countries to apply MIS to national accounting and auditing.

Калим сўзлар. корхона, қайта ташкил этиш, қўшиб юбориш, қўшиб олиш, ажратиш, ажратиб чиқариш, тан олиш, баҳолаш, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот.

Key words. enterprise, reorganization, merger, acquisition, separation, separation, recognition, valuation, accounting, financial reporting.

Кириш. Мамлакатлар миллий иқтисодиёти барқарор ўсишини таъминлашда ҳисоб, ҳисобот ва аудитни халқаро талабларга мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда мамлакатларда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш мақсадида корхоналарни қайта ташкил қилиш, ушбу жараёнларга оид бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг миллий стандартларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларида активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни тан олиш, баҳолаш ва уларни ҳисоботларда акс эттиришни такомиллаштириш борасидаги илмий изланишлар алоҳида ўринга эга. Соҳа олимлари томонидан олиб борилган илмий

изланишлар натижасида корхоналарнинг мулкчилик шакллари ўзгартириш, уларни қўшиш, бўлиш ҳамда ажратиб чиқариш каби шакллари тан олиш ва баҳолаш, уларни молиявий ҳисобот шаклларида акс эттириш методологиясини такомиллаштириш масалалари бўйича кенг қўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда[3]. Бироқ ушбу жараёнларни халқаро тажрибалар асосида баҳолаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш ҳамда аудит қилиш каби муаммолари бугунги кунгача ўз ечимини тўлиқ топмаган, Бундан ташқари корхоналарни қайта ташкил қилиш ҳисобига оид молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларининг (МХХС) мамлакатлар миллий иқтисодиётида қўллашганилиши ўзига хос вазифаларни амалга оширишни ва ёндашувларни талаб этади.

Бугунги кунда, жаҳон ҳамжамиятида глобализация жараёни тобора кучайиб бормоқда. Ушбу жараёнга қўшилиш бу ҳар бир мамлакат учун дунёнинг етакчи давлатлари билан ҳамкорлик қилиш, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги давлат сиёсатини юритиш имкониятини берганлиги боис, ушбу шароитда Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги босқичга кўтариш устувор вазифалардан этиб белгиланган. Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш, корхоналарни халқаро бозорга чиқишини таъминлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, халқимизнинг турмуш-тарзини яхшилашга қаратилган бўлиб, бунда халқаро

андозаларга мос келадиган миллий моделни яратиш, ҳисоботлар уйғунлигини таъминлашда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига таяниш муҳим аҳамият касб этмоқда[11].

Жаҳонда корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқлигини таъминлаш, дунё тан олган баҳолаш мезонлари асосида инвестицион жозибadorликни оширган ҳолда, фойдаланувчилар учун аниқ ахборотни, яъни корхоналарнинг бирлашиши, хариди ёки бўлмасам манфаатлар тўқнашуви каби жараёнларни осон тарзда тушуниб олишни, тақдим этилган ахборот орқали синтез қилиб, корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот олишни таъминлаш барча мамлакатлар МХХСни миллий бухгалтерия ҳисоби ва аудитга тадбиқ қилишга ундайди[1].

Материал ва методлар. Мамлакатимиз иқтисодиётини жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётида кўп йиллардан буён қўлланилиб келинаётган МХХСга ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш, инвестицион жозибadorликни ошириш ва халқаро молия бозорларига кириш, жаҳон савдо бозорида ўз имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган

"Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги[13] қарори бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасини тубдан такомиллаштиришда, хорижий тажрибалар асосида корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларини ҳисобда акс эттириш тартибини белгилаш ва уларни халқаро стандартларга мувофиқлаштиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

Натижалар. Қуйидагилардан иборат:

илғор хорижий тажрибаларга таяниб, "корхоналарни қайта ташкил этиш", "қўшиб юбориш", "қўшиб олиш" "бўлиш", "ажратиб чиқариш" "ўзгартириш" каби жараёнларнинг аудит объектлари сифатидаги хусусиятларини очиб бериш;

корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларининг турли белгилари бўйича ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифий асосларини такомиллаштириш;

халқаро стандартларга мувофиқ корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларида активлар ва мажбуриятларни баҳолашнинг услубий тартибларини такомиллаштириш;

замонавий ёндашувларга таяниб, корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларида активлар ва мажбуриятларни баҳолаш натижасида олинган даромад ва харажатларни ҳисобга олишнинг услубий тартибларини такомиллаштириш;

корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари натижаларини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс

эйтириш методологиясини
такомиллаштириш;

корхоналарни қайта ташкил қилиш
жараёнлари ва улар натижаларини гуруҳ
консолидациялашган молиявий ҳисоботида
акс эйтириш тартибларини
такомиллаштириш;

корхоналарни қўшиб олиш
шаклида қайта ташкил этишни амалга
оширишда молиявий ҳисобот
кўрсаткичларини аудиторлик
текширувидан ўтказишнинг ташкилий ва
услубий таъминотини
такомиллаштириш[5].

Мунозара. Бозор
муносабатларининг борган сари
чуқурлашиб бориши ва МХХСлари жорий
этилиши натижасида корхоналарни қайта
ташкил этиш жараёнларини янги
тамоийлар асосида баҳолаш ва
ҳисоботларда акс эйтириш тартиблари
жорий этилди. Бироқ, республикамызда
мустақиллик йилларида ушбу
жараёнларнинг тез суръатлар билан
ривожланишига қарамасдан, ушбу мулк
турлари ҳисобининг халқаро стандартлар
талабларига мос келадиган назарий,
ташкилий ва методологик асослари
тўлиғича яратилган, деб бўлмайди.
Жумладан, республикамызда қайта ташкил
этиш бўйича миллий стандартлар
яратилган эмас. "Қайта ташкил этиш",
"бўлиш", "ажратиб олиш", "ўзгартириш"
каби атамалари норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларга киритилмаган, уларнинг
ҳисоб ва аудит объекти сифатидаги
моҳияти, тан олиниши, баҳоланиши,
таснифи, таркиби, реал бозор қийматини
аниқлаш усуллари, улар асосида
шакллантирилган ахборотларни ҳисоб ва

ҳисоботда акс эйтиришнинг
такомиллашган тартиблари ишлаб
чиқилмаганлиги молиявий ҳисоботлар
уйғунлиги ва ишончлигига салбий таъсир
кўрсатмоқда. Амалдаги стандартларда
белгиланган айрим тартиб-қоидалар
халқаро стандартларда белгиланган
тартиблардан тубдан фарқ қилади.
Юқоридагиларнинг барчаси, жумладан
корхоналарни қайта ташкил этиш
жараёнлари ҳисоби ва аудитининг замон
талабларига мос услубиятини ишлаб
чиқишни, мазкур йўналишда чуқур илмий
тадқиқотлар олиб боришни тақозо
этади[2].

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2022 йил 28 январдаги
ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг
тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон
"Ўзбекистон Республикасини янада
ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар
стратегияси тўғрисида", 2020 йил 27
октябрдаги ПФ-6096-сон "Давлат
иштирокидаги корхоналарни ислох
қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат
активларини хусусийлаштиришга оид
чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари,
2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон
"Молиявий ҳисоботнинг халқаро
стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-
тадбирлари тўғрисида"ги Қарори,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги
507-сон "Молиявий ҳисоботнинг халқаро
стандартлари ва унга тушунтиришлар
матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги
Низомни тасдиқлаш ҳақида" қарори,

шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий хужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларининг турли белгилари бўйича ҳисоб ҳамда аудит объектлари сифатида ишлаб чиқилган таснифи молиявий ҳисоботларда ишончли ахборотларни акс эттириш имкониятини берган[14];

халқаро стандартларга мувофиқ корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларида активлар ва мажбуриятларни баҳолашнинг услубий тартиблари асосида реал ахборотларни олишга эришилган;

замонавий ёндашувларга таяниб, корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларида активлар ва мажбуриятларни ҳаққоний қиймати бўйича баҳолаш натижасида олинган даромад ва харажатларни ҳисобга олишнинг услубий тартибларининг асосланганлиги ҳисоботларда ахборотларнинг сифат даражасини оширишга хизмат қилган;

корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари натижаларини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириш услубиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялари ҳисоботларнинг хорижий инвесторлар учун ишончли бўлишини таъминлаган ҳамда инвестицион муҳитни яхшилашга хизмат қилган[12];

корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари ва улар натижаларини гуруҳнинг консолидацияланган молиявий ҳисоботида акс эттириш тартибларини такомиллаштириш бўйича таклифи

асосида ушбу жараёнлар билан боғлиқ моддаларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот таркибида акс эттириш имконияти яратилган ҳамда ҳисоботнинг такомиллаштирилишига эришилган[11];

корхоналарни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аудиторлик текширувидан ўтказиш модели аудиторлик текширувлари сифатини оширишга хизмат қилган[9].

Хулоса. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари аудитида молиявий ҳисоботтан олиш, баҳолаш ва уларнинг ҳисобини юритиш, ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари аудитида ҳисобга олиш жараёнида қўлланиладиган усулларни тизимлаштириш ва асослаш, молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича ҳисоботларни ишончли акс эттиришда йўриқнома сифатида хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади[8].

Корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари аудитини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди ва илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Корхоналарни қайта ташкил этиш – бу давр талабидир. Ҳам мулк эгаларига, ҳам давлатга, ҳам меҳнат жамоасига фақат

самара келтирадиган корхоналар керак.

Самара келтирмайдиган корхоналардан ҳеч кимга наф йўқ. Шу боис, республикамизда самарасиз корхоналарни қайта ташкил қилиш объектив заруратдир.

2. Амалдаги 23-сон БХМСда корхоналарни қайта ташкил қилиш турлари ва шаклларига берилган таърифлар уларни ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги мазмун-моҳиятини етарлича аниқ ифода этмайди. Шу боис, ишимизда илғор хорижий тажрибаларга таяниб, “корхоналарни қайта ташкил этиш”, “қўшиб юбориш”, “қўшиб олиш” “бўлиш”, “ажратиб чиқариш” “ўзгартириш” каби жараёнларнинг ҳисоб юритиш ва аудит ўтказишда асосий аҳамиятли хусусиятлари ўзида аниқ ва лўнда ифодаловчи қуйидагича таърифлари ишлаб чиқилди;

Қўшиб юбориш – бу ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир нечта корхонанинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш.

Қўшиб олиш – бу бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа корхонага бериш.

Бўлиш – бу корхона фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган корхоналарга бериш.

Ажратиб чиқариш – бу корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш.

Ўзгартириш – бу янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари

ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ушбу муаллифлик таърифлари уларни ҳисоб ва аудитда объект сифатида тавсифлашнинг назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудитга оид адабиётларда корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларининг турли белгилари бўйича ҳисоб ва аудит объектлари сифатидаги таснифий асослари етарлича очиқ берилмаган. Ишимизда ҳисоб юритиш ва аудит ўтказиш мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларининг бизнесни бирлаштириш, бизнесни бўлиш, бизнесни тугатиш, бизнесни ташкилий-ҳуқуқий асосини ўзгартириш каби белгилари бўйича таснифлаш тавсия этилди ва унинг афзалликлари кўрсатиб берилди.

4. Корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш мураккаб жараён ҳисобланади. Ушбу шароитда, бир томондан, тугатилаётган корхоналарда, иккинчи томондан эса, янги ташкил қилинаётган корхонада кўплаб жараёнларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш лозим ҳисобланади. Чунончи, барча тугатилаётган корхоналарда тугатиш жараёнлари ҳисобда акс эттирилиши, тугатиш ва тақсимлаш баланслари тузилиши лозим. Қайта ташкил этишда вужудга келган янги корхоналарда уларнинг давлат рўйхатидан ўтган қунига таъсис ҳужжатлари (устав, таъсис шартномаси) ҳамда қўшиб обориш

тўғрисидаги қарорлар ва шартномалар асосида дастлабки таъсис баланси тузилиши, шунингдек, ушбу баланс моддаларини ташкил қилувчи барча узоқ ва қисқа муддатли активлар, устав капитали, маблағларни ташкил топтириш ўз манбаларининг бошқа турлари (кўшилган ва заҳира капитали, тақсимланмаган фойдаси ва бошқалар), узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларни тан олиш, баҳолаш, кирим қилиш ва ҳисобга олиш ишларини белгиланган тартиб-қоидалар асосида бажариш керак бўлиб ҳисобланади. Қўшиб олувчи корхонада тугатилаётган корхоналарни ихтиёрий равишда ёки харид усулларида қўшиб олиш жараёнларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш зарурати пайдо бўлади. Бунда бош масалалардан бир бўлиб қабул қилиш- топшириш жараёнларида активлар ва мажбуриятларни тўғри баҳолаш ҳисобланади. Ишимизда корхоналарнинг жами 18 та турдаги активлари ва мажбуриятларини баҳолашда унинг 5 турини (ҳаққоний қиймат, бозор баҳоси, қолдик қиймат, номинал қиймат, режали-норматив қиймат) қандай ҳолларда қўллаш зарурлиги ва аҳамияти кўрсатиб берилди. Шунингдек, халқаро стандартларга таянган ҳолда корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнларида активлар ва мажбуриятларни баҳолашнинг ушбу турларини қўллашнинг услубий тартиблари кўрсатиб берилди.

5. Корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари аудитида активлар ва мажбуриятларни баҳолаш натижасида олинган даромад ва харажатларни тўғри ҳисобга олинганлигини аниқлаш ўта

муҳим. Қайта ташкил этишни амалга ошириш шароитида молиявий ҳисоботни шакллантириш номли 23-сон БҲМС мазкур муҳим кўрсаткичларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттиришнинг умумий тартибларини берсада, бироқ уларни амалиётда амалга ошириш механизмларини тўлиғича акс эттирмайди. Бу амалиётда қайта ташкил этиш жараёнлари иштирокчиларида активлар ва мажбуриятларни баҳолаш натижасида олинган даромад ва харажатларни турлича тан олиш, баҳолаш, ҳужжатлаштириш, ҳисоб-китоб қилишга сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, қайта ташкил этиш жараёнларида активлар ва мажбуриятларни баҳолаш натижасида вужудга келадиган даромад ва харажатларни тегишли счётларда акс эттириш ҳам мазкур стандартда аниқ кўрсатилмаган. Бу ҳам амалиётда бир хил мазмунли хўжалик операцияларини турли счётларда ҳар хил ёзувлар берилишига олиб келмоқда. 23-сон БҲМСда белгиланган тартибларни амалиётга жорий этишда яхлитликни таъминлаш учун ушбу жараёнларда юзага келадиган даромад ва харажатлар бўйича тузиладиган ҳужжатлар тизимини, уларнинг намунавий шаклларини, бериладиган бухгалтерия ёзувларини мазкур стандартга шарҳларда аниқ ифодалаш фойдадан холи бўлмайди. Бу бевосита корхоналарни қайта ташкил қилишга оид даромад ва харажатлар аудитини ҳам яхлит услубий тартибда амалга ошириш имконини берган бўлар эди.

6. Корхоналарни қайта ташкил қилиш жараёнлари аудитининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ушбу жараён

натижаларини молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот ҳамда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тўғри акс эттирилганлигини тасдиқлаш ҳисобланади. Ишимизда корхоналарни кўшиб юбориш ва кўшиб олиш шаклларида қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аудиторлик текширувидан ўтказиш тартиблари кўрсатиб берилди.

7. Корхоналарни яхлит бизнес бирлиги сифатида сотиб олиш йўли билан кўшиб олиш шаклида Бош корхона ва унинг шўъба корхоналаридан иборат гуруҳ вужудга келади. Бунда мос равишда Бош корхона томонидан гуруҳнинг консолидациялашган ҳисоботини тузиш ва унда кўшиб олиш жараёнини консолидациялашган молиявий ҳисобот шаклларида акс эттириш зарур бўлиб ҳисобланади. Ишимизда корхоналарни сотиб олиш йўли билан кўшиб олиш жараёнлари ва улар натижаларини гуруҳнинг консолидациялашган молиявий ҳисоботида акс эттириш ва уни аудит қилиш тартиблари кўрсатиб берилди.

8. Ишимизда корхоналарни кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этишни амалга оширишда молиявий ҳисобот кўрсаткичларини аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ташкилий дастаклари, кетма-кетлик блок-схемаси, ҳисоб-китоблар алгоритми ҳамда аудиторлик иш ҳужжатлари тўпламини ўз ичига олувчи модели ишлаб чиқилди.

9. Корхоналарни қайта ташкил этиш жараёнлари, улар натижаларини ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш ҳамда аудит кўригидан ўтказишни яхлит тартибларини

ўрнатиш учун ишимизда қуйидаги тавсиялар ҳам берилди.

Биринчидан, ваколатли давлат органлари орқали, чунончи давлат солиқ органлари орқали нафақат давлат рўйхатидан ўтган, фаолият юритаётган корхоналар, балки самарали ишлаётган, зарар билан ишлаётган, тугатилиш хавфи бўлган ва умуман фаолият юритмаётган корхоналар мониторинги доимий равишда олиб борилиши, бу тўғридаги ахборотлар ОАВлари орқали узлуксиз очикланиш механизмини йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблаймиз. Ушбу функцияни бажаришни давлат солиқ инспекциялари (ДСИ)нинг махсус мониторинг, таҳлил ва ахборот-консалтинг марказларига юклаш, бизнингча, тўғрироқ бўлади.

Иккинчидан, ДСИ қошидаги номи юқорида зикр этилган марказга корхоналарни қандай шаклларда тузиш, қайта ташкил қилиш, уни қандай амалга ошириш, қайта ташкил қилишдан келадиган самарани ҳисоб-китоб қилиш, баҳолаш, у бўйича тегишли бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бошқа тадбиркорларни қизиқтирувчи саволлар бўйича атрофлича ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатишни юклаш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, ДСИ қошидаги номи юқорида зикр этилган марказга корхоналарни қайта ташкил қилиш шароитида ҳисобни юритиш ва ҳисоботларни шакллантиришни халқаро ва миллий стандартлар талабларидан келиб чиқиб ташкил қилиш бўйича профессионал бухгалтерларни жалб этиш, уларга тадбиркорлик субъектларида тугатиш баланси, тақсимлаш баланси, қўйиш

баланси, бирлаштириш баланси, мулкни, мажбуриятлар ва хусусий капитал моддаларини қайта ташкил этиш иштирокчилари ўртасида тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштириш бўйича консалтинг хизматларини бериш ва амалий ёрдамларни кўрсатишни юклаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Тўртинчидан, корхоналар бухгалтерларини қайта ташкил этиш жараёнлари ва ушбу шароитда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни шакллантириш бўйича халқаро ва миллий стандартларни қўллашга ўргатувчи малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг жорий хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобини юритишда ва қайта ташкил этишда қўлланувчи активларни баҳолаш усуллари ҳар хил бўлса, якуний молиявий ҳисобот кўрсаткичлари баҳосини топширилаётган активлар баҳоси билан мувофиқ ҳолатга келтириш лозим. Топширилаётган активлар қийматидаги

барча тафовутлар қайта ташкил этилаётган корхоналарнинг бошқа даромадлари ва харажатлари ҳисобини юритиш счётларида акс эттирилиши лозим.

Олтинчидан, МХХСлари талабларидан келиб чиққан ҳолда корхона активларини тан олиш, баҳолаш ва молиявий ҳисоботларда акс эттиришнинг янги методологиясини тузиш, хорижий инвесторларни зарур ахборотлар билан таъминлаш мақсадида корхоналар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро стандартлар бўйича ташкил этишлари учун бухгалтерия ҳисоби хизмати билан шуғулланувчи кадрларнинг малакасини ошириб бориш лозим.

Фикримизча, биз томонимиздан берилган таклиф ва тавсияларимиз республикамызда амалга оширилаётган халқаро стандартларга трансформациялаш жараёнларини жадаллаштиришга, амалдаги корхоналаримизда хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтиришга, шу асосда барча жиҳатлари бўйича бугунги кун талабларига жавоб берувчи хўжалик юритувчи субъектларни пайдо бўлишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 23-son BHMS "Qayta tashkil etishni amalga oshirishda moliyaviy hisobotni shakllantirish". O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 27.06.2005 y. 1484-son bilan ro'yxatga olingan;
2. O'zbekiston Respublikasi qonuni "Buxgalteriya hisobi to'g'risida" (Yangi tahriri), 13.04.2016 yil, O'RQ-404-son;
3. "Moliyaviy hisobot shakllari va ularni to'ldirish qoidalari". O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligining 2002 yil 27 dekabrda 140-son buyrug'i bilan tasdiqlangan.
4. O'zbekiston Respublikasining Soliq kodeksi. O'zR 30.12.2019 y. O'RQ-599-son Qonuni bilan tasdiqlangan.
5. 3-son MHXS (IFRS) "Biznes birlashuvlari;

6. 10-son MHXS «Konsolidastiyalangan moliyaviy hisobot»;
7. 8-son BHMS “Konsolidasiyalangan moliyaviy hisobotlar va sho’ba xo’jalik jamiyatlariga investitiyalar»;
8. 8. Плотников В.С., Плотникова О., В. Объединение бизнеса и консолидированная финансовая отчетность.
9. S.N.Tashnazarov Moliyaviy hisobotning nazariy va metodologik asoslarini takomillashtirish(Improving the theoretical and methodological basis of financial reporting). Monografiya.
10. Tashnazarov S.N. Moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari(International Financial Reporting Standards). Darslik – T. “Iqtisod-Moliya”, 2019.
11. Urazov K.B. Buxgalteriya moliyaviy hisobi(Accounting financial accounting). O’quv qo’llanma. – Samarqand, SamISI, 2013. - 226 bet.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 2020 йил 24 февраль. ПҚ-4611.
13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 25.02.2021 йилдаги ЎРҚ-677-сон.